Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

2006 ЙИЛ, 20 ИЮНЬ, СЕШАНБА

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 117 (10.674)

Баҳоси эркин нархда

ОСИЁДА ТИНЧЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 17 ИЮНЬ КУНИ ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ОЛМАОТА ШАҲРИДА ЎТГАН ОСИЁДА ҲАМКОРЛИК ВА ИШОНЧ ЧОРАЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШ САММИТИДА ҚАТНАШДИ.

Осиёда кўплаб минтақавий тузилмалар мавжуд. Аммо уларнинг деярли барчаси жуғрофий ва савдо-иқтисодий омиллардан келиб чиқиб тузилган. Мазкур кенгаш эса қитъада хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларини ялпи қамраб олган. Шу жиҳатдан у муҳим аҳамиятга эга.

Форумда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Россия Президенти Владимир Путин, Хитой Раиси Ху Цзиньтао, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Афғонистон Президенти Ҳамид Карзай, Озарбойжон Президенти Илҳом Алиев, Покистон Президенти Парвез Мушарраф, Қирғизистон Президенти Қурманбек Бакиев ва Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов қатнашдилар. Шунингдек, Таиланддан Бош вазир Таксиан Шинаватра, Исроилдан Бош вазир ўринбосари Шимон Перес, Ҳиндистондан махсус вакил - нефть ва табиий газ вазири Мурли Деора, Эрондан ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Аббос Эракчи, Мўғулистондан парламент Спикери Мэндсайхан Энхсайхан, Фаластиндан Озодлик ҳаракати Ижроия қўмитаси аъзоси Саъд Аҳмад Ауда, Туркиядан Бош вазир ўринбосари, ташқи ишлар вазири Абдуллоҳ Гул ва бошқа қатор мамлакатлардан махсус вакиллар иштирок этди.

Саммит аввалида кенгашга Корея Республикаси қўшилгани ва эндиликда унинг аъзолари сони ўн саккизтага етгани маълум қилинди.

Кенгашнинг 2002 йил 4 июнда бўлиб ўтган илк саммитида қабул қилинган якуний ҳужжатда қайд этилганидек, Осиёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш учун кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш мазкур тузилма фаолиятининг асосий мақсадидир. Бунда низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш, савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш назарда тутилади.

Кенгаш оммавий қирғин қуроли бутунлай йўқ қилинишини ёқлайди. Айниқса, ядровий қуролсизланиш устувор масала саналади. Тузилма ядровий ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролларидан холи зона барпо этиш ташаббусларини қўллаб-қувватлайди. Шу жиҳатнинг ўзиёқ Ўзбекистоннинг у билан ҳамкорлиги учун яхши асос бўлади. Зеро, мамлакатимиз Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантиришнинг бош ташаббускоридир.

Кенгаш барча турдаги террорчиликни кескин қоралайди. Осиёда хавфсизлик ва барқарорликка айирмачилик ва наркотрафик ҳам жиддий таҳдид солаётгани борасида кенгаш аъзоларининг фикри якдил. Шу билан бирга, коррупцияга оғир трансмиллий жиноий фаолият сифатида қаралади.

Бу муаммоларнинг барчаси кўп томонлама, мувофиқлаштирилган ҳамжиҳат саъй-ҳаракатларни талаб қилади, албатта.

Кенгашнинг илк саммитида тўрт йилда бир марта олий даражада учрашув ўтказиб боришга келишиб олинган эди. Бу галги саммитда кенгашнинг ўтган даврдаги фаолияти натижалари сарҳисоб қилинди, истиқболдаги режалар белгилаб олинди. Кенгашнинг ишчи механизми - Котибияти тузилди.

Осиёда хавфсизлик масаласи тобора долзарблашаётгани сир эмас. Саммит қатнашчилари минтақавий хавфсизликни таъминлашда, янги таҳдид ва хавф- хатарларнинг олдини олишда ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш масалаларини кўриб чиқдилар. Ҳарбий-сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва экологик мезонлар бўйича зарур чораларни белгилаб олиш юзасидан фикр алмашдилар. Ҳар бир давлат делегацияси раҳбари минтақавий хавфсизлик ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини, қарашларини баён этди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ўз нутқида можаро ва келишмовчиликларни бартараф этишда, турли миллатлар ва динлар вакилларининг тотувлигини таъминлашда ўзаро ишонч масалаларига ҳар доим устувор аҳамият бериб келинганини алоҳида таъкидлади. Шу боис ҳозирги шароитда ишонч чораларини мустаҳкамлашнинг тизим ва механизмларини ишлаб чиқиш айниқса муҳим аҳамият касб этмоқда. Ишонч чоралари механизмини татбиқ этиш борасидаги тавсияларда муайян можароли вазиятлар ҳисобга олиниши керак.

Таъкидламоқ жоизки, саммитни ёритишда қатнашган журналистлар Ўзбекистон раҳбарининг нутқини катта қизиқиш билан тингладилар.

Кузатувчи ва таҳлилчилар кенгаш тўлақонли ташкилотга айланмаётган бўлса- да, долзарб минтақавий масалалар юзасидан эркин фикр алмашиш учун яхши имконият яратишини қайд этдилар. Қитъамизда дўст давлатлар кўп, лекин ўзаро муайян келишмовчилик ва зиддиятлар мавжуд бўлган мамлакатлар ҳам йўқ эмас. Кенгаш ана шундай мамлакатлар вакилларининг норасмий мулоқоти учун яхши замин тайёрлайди. Шу боис мўзокара олиб боришнинг ўзига хос шакли сифатида бу форум келгусида ҳам сақланиб қолиши керак, деган фикр билдирилмоқда.

Саммит якунида Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг Декларацияси қабул қилинди, ташқи ишлар вазирлари ва махсус вакиллар Котибият тузиш тўғрисидаги битимни имзоладилар.

Тузилма сафи кенгайиб бораётгани Осиё давлатларининг хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги интилишлари уйғунлашаётганидан далолат беради. Саммит қитъа мамлакатлари ўртасида ишонч чоралари механизмларини янада самарали ишга солиш, шу орқали дунёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига ҳисса қўшиши табиий.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент - Олмаота - Тошкент

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОСИЁДА ҲАМКОРЛИК ВА ИШОНЧ ЧОРАЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИНИНГ САММИТИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ҳурматли раис!

Ҳурматли давлат ва ҳукумат раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Сизларни, ушбу саммитда қатнашаётган давлатлар раҳбарлари ва вакилларини қутлаш ҳамда кўрсатилган меҳмондўстлик ва дўстона қабул учун Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевга самимий миннатдорлик билдириш менга катта мамнуният бахш этади.

Фурсатдан фойдаланиб, Кенгашда бугун муҳокама этилаётган масалалар бўйича ўзимнинг айрим фикр-мулоҳазаларимни қисқача баён этмоқчиман.

Давлатлараро муносабатлардаги можаро ва қарама-қаршиликларни бартараф этишда ҳам, миллатлараро ва динлараро тотувликни таъминлашда ҳам муваффақиятга эришишнинг энг муҳим шарти бўлган ишонч масалаларига барча замонларда бирдек устувор аҳамият бериб келингани ҳеч кимга сир эмас.

Лекин бизнинг асримизда - глобаллашув ва геосиёсийлашув жараёнлари ғоят чуқурлашиб бораётган ҳозирги даврда, бизни қуршаб турган дунё мисли кўрилмаган суръатлар билан ўзгариб, унда яшаётган халқлар ва давлатлар тобора бир-бирига боғлиқ бўлиб ва вазият ўта нозиклашиб бораётган бир пайтда ишонч чораларини мустаҳкамлашнинг тизим ва механизмларини ишлаб чиқиш, барқарорликни сақлаш ва можароларнинг олдини олиш борасида давлатларнинг саъй- ҳаракатларини янада фаоллаштириш айниқса муҳим аҳамият касб этмоқда.

Барчамизга яхши маълумки, бу масалалар, бу долзарб муаммолар мавзуси кўплаб минтақавий ва субрегионал халқаро тузилмаларнинг, аввало, нуфузли ташкилот бўлмиш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг доимий диққат-марказида туради.

Шулардан келиб чиққан ҳолда айтадиган бўлсак, ҳеч шубҳа йўққи, Қозоғистон давлати ва унинг Президенти Нурсултон Назарбоевнинг Осиё минтақасида можароли вазиятлар ва қарама-қаршиликлар юзага келишининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш мақсадида давлатлар ўртасида ишонч чоралари ва ҳамжиҳатлик масалаларини муҳокама қилиш учун белгиланган Форумни шакллантириш бўйича ташаббуси ҳар томонлама эътибор ва қўллаб-қувватлашга сазовордир.

Мен бу ерда ХХР Раиси ва Россия Президенти билдирган муҳим таклифларни қўллаб-қувватлаб, Ўзбекистон делегацияси номидан қуйидаги фикрларни баён этишни истардим.

Биринчидан. *Осиё қитъаси ҳақида сўз юритадиган бўлсак, ушбу минтақа давлатлари ўртасидаги интеграция жараёнларининг, уларнинг иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ жабҳаларнинг изчил суръат билан ривожланишини таъминлашда АСЕАН, ШҲТ, Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамияти, Осиёда ҳамкорлик бўйича мулоқот, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти каби нуфузли халқаро ташкилотларнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.*

Шу боис бугун Форумда муҳокама этилаётган масалалар бўйича тавсиялар ишлаб чиқишда БМТнинг тегишли ҳужжатларида қайд этилган асосий принциплар билан бирга, мазкур ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган ана шу масалаларга доир тамойил ва мулоҳазаларни ҳам инобатга олиш муҳим аҳамият касб этган бўлур эди.

Бу, ўз навбатида, мазкур нуфузли ташкилотлар билан ҳамкорликдаги фаолиятни мувофиқлаштириш учун зарур асосни яратишга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда.)

ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ САҚЛАШНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ

АВВАЛ ХАБАР ҚИЛИНГАНИДЕК, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ШҲТ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ШУ ЙИЛ 15 ИЮНЬ КУНИ ШАНХАЙ ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТГАН МАЖЛИСИДА ИШТИРОК ЭТДИ. ҚУЙИДА ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ АНА ШУ САММИТДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ ЭЪТИБОРИНГИЗГА ҲАВОЛА ЭТИЛМОҚДА.

Ҳурматли давлат раҳбарлари!

Муҳтарам саммит қатнашчилари!

Давлатлар раҳбарлари ва вакиллари - саммит иштирокчиларини қутлаш менга катта мамнуният бағишлайди. Хитой Халқ Республикаси раиси жаноб Ху Цзиньтаога ва барча хитойлик дўстларимизга меҳмондўстлик ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитини ажойиб ташкил этганлиги учун миннатдорлик изҳор этаман.

Ўзбекистон ШҲТнинг ўтган беш йиллик фаолиятига бу ерда берилган баҳоларни маъқуллайди.

Ҳақиқатан ҳам, ҳуқуқий базани шакллантириш, асосий ҳужжатларни қабул қилиш, ШҲТнинг ташкилий ва институционал шаклланиши борасида улкан ишлар қилинди, ШҲТ олдида турган энг муҳим вазифаларни амалга ошириш учун самарали ҳамкорлик ва ўзаро алоқани йўлга қўйиш бўйича салмоқли қадамлар ташланди.

ШҲТ изчил ривожланиб, ўз фаолияти доирасини хавфсизлик соҳасидан сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-гуманитар соҳалар, шунингдек, халқаро терроризм, экстремизм, айирмачилик ва наркотрафикка қарши кураш соҳасидаги кўп қўламли ҳамкорликка кенгайтирди.

Тарихан қисқа даврда ШҲТ нафақат нуфузли халқаро тузилмага айланди, балки ҳозирги замон геосиёсатини белгиловчи омиллардан бири бўлиб шаклланди.

Бизнинг фикримизча, ШҲТнинг халқаро обрўси ва жозибадорлиги ортиб бораётганини белгилаётган энг муҳим жиҳатлар қуйидагилар:

Биринчидан, Евроосиё ҳудудида ШҲТнинг ўз вақтида ташкил этилиши ва бунга эҳтиёж борлиги, унинг олдига қўйилган ва ҳал этилаётган вазифаларнинг долзарблиги. Бунда хавфсизликни таъминлаш масалалари билан бир қаторда ташкилотга аъзо мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланиши муаммоларини ҳал қилишга муҳим аҳамият берилаётгани эътиборга моликдир.

(Давоми 2-бетда.)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

● **БУГУН** шаҳримизда «Замонавий ахборот майдонини шакллантириш» мавзуидаги форум иш бошлади.

● **БУГУНДАН** мамлакатимиз олий ўқув юртларига абитуриентлар учун қабул жараёни бошланди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат аграр университетида қурғоқчилик ва сахроланишга қарши кураш масалаларига бағишлаб уюштирилган илмий-амалий анжуманда олимлар, талабалар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

● **ФАФУР** Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ибратли оилалар вакиллари ва ёшлар иштирокида ўтказилган тадбир «Оила — муҳаббат қасри» деб номланди.

● **«ГУЛШАН»** маданият ва истироҳат боғида «Қувноқ ёз» деб номланган тадбир уюштирилди.

● **ЗАМОНАВИЙ** санъат марказида фотомухбир Дмитрий Михайловнинг 130 дан ортиқ фотосуратлари кўргазмаси намойиш этилди.

● **БУГУН** Бектемир туман марказлашган кутубхоналар тизимининг 3-кутубхонасида 289-мактаб қошидаги соғломлаштириш оромгоҳи тарбияланувчилари иштирокида ўтказилган расм чизиш кўрик-танлови «Менинг мактабим» деб номланди.

● **БУГУН** Собир Раҳимов туманидаги «Ачаобод», «Гузарбоши», «Қўштут», «Чимбой» маҳаллаларида «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан маҳалла ёшларининг тиббий савод-хонлигини ошириш мақсадида «Биринчи тиббий ёрдам» машғулотлари уюштирилди.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги Қўйлиқ ота ҳамда Мирзо Иброҳим маҳаллаларида «Камолот» ЁИҲ туман бўлими ҳамда Тошкент Давлат юридик институти ҳамкорликларида маҳаллаларнинг фаол ёшлари иштирокида бўлиб ўтган давра суҳбати ёшлар онгида миллий қадриятларни янада шакллантириш масаласига бағишланди.

● **БЕКТЕМИР** туман марказлашган кутубхоналар тизимининг болалар кутубхонасида «Камолот» ЁИҲ туман бўлими ташаббуси билан «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида «Кутубхона куни» мавзуида ўтказилган тадбирда Олим Аширов маҳалласи ёшлари ва жажжи китобхонлар иштирок этишди.

(Ўз мухбирларимиз хабарларидан).

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Бухоро вилояти ғаллакорлари давлатга салкам 127 минг тонна ғалла топшириб, шартнома мажбуриятини бажардилар. Ҳосилдорлик ўртача 55,5 центнерни ташкил этди. Бу ўтган йилдагига нисбатан 2,8 центнер кўп демакдир. Эришилган муваффақиятга Вобкент, Бухоро, Пешку, Когон туманлари деҳқонлари, айниқса, салмоқли ҳисса қўшишди.**

● **Жорий йилда 95 минг гектар суғориладиган майдонларда ғалла ўстирган Сурхондарё вилояти деҳқонлари ҳам давлатга дон топшириш шартномасини уддаладилар. Қабул пунктларига 237 минг тоннадан кўпроқ сара дон етказиб берилди. Деҳқонлар 58,8 минг гектар майдондаги ҳосилни ўриб олиб, давлат буюртмасини адо этишди. Қолган 37 минг гектар майдондаги дон йиғиштириб олинса, воҳа деҳқонларининг уйган хирмони янада юксалади.**

● **Асака туманида ўтказилган сабзавоткорларнинг навбатдаги семинарида Москва илмий-текшириш институти мутахассислари ҳам иштирок этди. Семинарда иссиқхоналар шароитида юқори ҳосил олиш, ҳозирги замон ишлаб чиқарувчилари ва харидорлари талабларига жавоб бера оладиган навларни яратиш борасида тажриба алмашинди.**

● **Бешариқ туманидаги Рапқон қишлоғида янги бокс мактаби фойдаланишга топширилди. Туман ҳокимлиги ва тадбиркорлар ҳомийлигида бунёд этилган мактаб қурилишига 15 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.**

● **Самарқандда «Диёр оҳанглари» телевизион фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Халқ ижодиёти ва ҳаваскорлик санъатини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган фестивалда бадиий-ҳаваскорлик жамоалари ва ёш ижрочилар томонидан мақом, хор, оркестр, эстрада йўналишларида она-Ватанни, тинчликни мадҳ этувчи наволар янгради.**

● **«Боғот пахта тозалаш» акциядорлик жамиятида ўтган йилги ҳосил—пахта хом ашёсини қайта ишлаш мавсуми якунланди. Экспортга 7,3 минг тонна тола ва 320 тонна линт жўнатилди. Хом ашёнинг ҳар бир тоннасидан толанинг чиқиши ўрта ҳисобда 33 фоизни ташкил этди ва бу режадагидан ортиқдир.**

● **Жиззахда хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича комиссия ташкил этилди. Комиссиянинг дастлабки йиғилишида топширилган олтита лойиҳа кўриб чиқилди.**

● **Тошкент архитектура-қурилиш институти олимларининг таклифига кўра маҳаллаларнинг «ГИС-маҳалла» деб номланган электрон геоахборот паспортларини ишлаб чиқиш жараёни бошланди. Янги тизимнинг мақсади фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳалла қўмиталари)ни ҳаққоний ахборот билан таъминлашдир.**

● **Бухоро қўғирчоқ театри жорий йилнинг сентябрь ойида Миср пойтахти Қоҳирада ўтказиладиган халқаро фестивалда иштирок этади. Театр жамоаси нуфузли фестивалда «Юлдузлар порлаганда» номли янги спектаклни намойиш этишади.**

ЖАҲОНДА

● **Каталонияда мухториятни кенгайтириш ва мустақил мухториятни эълон қилиш юзасидан референдум ўтказилди. Топширилган 99,95 фоизлик бюллетенларнинг ҳисоб-китобига кўра, 73,9 фоиз аҳоли референдумни қўллаб-қувватлаган. Бинобарин, Каталониянинг янги мақомига кўра у энди Европадаги ягона мустақил мухторият саналади ва ҳукуматга доир масалаларни ўзи ҳал этади.**

● **Қозоғистон коинотни тадқиқ қилувчи ўзининг илк сунъий йўлдошини учирди. Россияда ишлаб чиқарилган КАЗСАТ-1 сунъий йўлдоши Бойқўнғир космодромидан Протон-К ракетасида фазога учирилди. Сунъий йўлдошнинг қиймати 65 миллион долларга тенгдир. У Қозоғистондан ташқари, Россиянинг айрим ҳудудлари, Қирғизистон ва Туркманистон учун ҳам коммуникация-телетўлқинлар узатишда хизмат қилади.**

● **Бишкек шаҳрида Кавказ ҳамда Марказий Осиё мамлакатларида ёшларни иш билан таъминлашни ривожлантириш масалаларига бағишланган минтақалараро семинар бўлиб ўтди. Уни ўтказишдан мақсад ёшларнинг миллий бандлик дастурини ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга татбиқ этишдир.**

● **«Ал-қоида» халқаро террорчилик ташкилоти 2003 йилда Нью-Йорк метросида заҳарловчи газни қўллаган ҳолда террорчилик ҳаракатини амалга оширишга тайёргарлик кўрган. АҚШда куни кеча сотувга чиқарилган Рон Саскиннинг «Бир фоиз доктринаси» номли китобида шу ҳақда айтилади. Ушбу китобдан олинган айрим парчалар «Time» журнали ва Нью-Йорк газеталарида босилган.**

● **Германияда бўлиб ўтаётган футбол бўйича жаҳон чемпионати билан боғлиқ «Ягнул» номли янги вирус сўнгги 48 соат ичида Европа компьютер тармоқларига зарар етказди. Ушбу вирус Германиядан тўғридан-тўғри беллашувларни узатишга уланишни таклиф этувчи веб-сайт орқали тарқалади. Спорт янгиликлари қиёфаси остида вирус компанияларнинг ички тармоқларига киради ва нияти бузуқларга маҳфий ахборотлар учун йўл очади.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОСИЁДА ҲАМКОРЛИК ВА ИШОНЧ ЧОРАЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИНИНГ САММИТИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Иккинчидан. Кенгашнинг ишонч чоралари ва давлатлараро ҳамкорликни кучайтириш бўйича тавсияларини ишлаб чиқишда халқаро амалиётда ва сиёсат майдонида учрайдиган айрим хатти-ҳаракатларга алоҳида эътибор қаратиш ва уларга тўғри баҳо бериш лозим. Нега деганда, бундай ҳаракатлар халқлар орасида қўшимча кескинлик ва қарама-қаршилик туғдирмоқда, миллионлаб одамларнинг умидсизликка тушиши ва ўз ёнатрофида рўй бераётган воқеаларга ишончсизлик билан қарашига сабаб бўлмоқда.

Бундай воқеаларнинг сабаби тўғрисида, яъни муаллифларнинг маданий савиясининг пастлиги, сиёсий саводсизлиги, бошқа халқларнинг кўп асрлик анъаналари, турмуш тарзи ва менталитетига беписанд муносабатда бўлиши оқибатида вужудга келадиган нохуш фактлар ва турли ксенофобия ҳамда миллатчилик кўринишлари ҳақида кўп гапириш мумкин.

Аммо айрим сиёсатчилар, давлат арбоблари ва коллектив нашрларнинг яққол иғвогарлик руҳидаги сурбетларча, мутлақо асоссиз даъво ва чиқишлари айниқса жиддий ташвиш уйғотади.

Бу борада гап кетганида, мисол тариқасида қуйидаги фактларни келтириш мумкин: мусулмонларнинг муқаддас дини бўлмиш ислом динини халқаро терроризм билан боғлашга уринишлар, Ғарб матбуотида турли ҳажвий расмлар чоп этиш орқали пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг шаънини таҳқирлашга қаратилган хатти-ҳаракатлар содир этилмоқда, миллионлаб одамларнинг миллий ғурури ва нафсониятига тегадиган бирёқлама, асоссиз баҳо ва хулосалар калтабинларча баён қилинмоқда.

Ўз-ўзидан аёнки, айрим ҳолларда бундай кирдикор ва чиқишлар халқаро жамоатчиликнинг миллатлар ва элатлар, турли диний конфессиялар вакиллари ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш борасидаги мураккаб, узоқ ва изчил давом этадиган фаолиятини йўққа чиқармоқда.

Таъбир жоиз бўлса, халқаро майдондаги субъектлар ўртасидаги ишончни одамлар ўртасидаги ишонч сингари янги ўтқазилган ниҳолга қиёслаш мумкин. Бу ниҳол вояга етиши, ҳосилга кириши учун уни доимо, ҳар томонлама меҳр билан озиқлантириш ва парвариш қилиш зарур. Афсуски, баъзан бунинг ўрнига ана шу кўчат унибўсадиган муҳитнинг ўзини заҳарлаш ҳолатлари юз бераётганини кузатиш қийин эмас.

Дунёда содир бўлаётган у ёки бу воқеани баҳолашда «икки ёқлама стандарт»ларни қўллаш ҳоллари кўзга ташланаётгани ҳам, табиийки, ўзаро ишонч муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилмайди. Пировард натижада шундай хулоса келиб чиқади: айрим давлат ва мамлакатларга мумкин бўлган барча нарсалар бошқаларга мумкин эмас экан.

Яна бир мулоҳаза.

Ушбу Кенгашда қабул қилинадиган ҳужжатларда ғоят муҳим бир ҳолат ҳисобга олинган тақдирда, унинг фаолият самарадорлиги янада ошади.

Яъни, ишонч чораларини татбиқ этиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар умумий гаплар билан чегараланмасдан, аниқ йўналишга эга бўлса, бошқача айтганда, бугун халқаро жамоатчиликни ташвишга солаётган муайян можароли вазиятларга, бу можаролар аланга олиб урушга айланиб кетмасидан олдин уларни бартараф этишга қаратилса, ҳар тарафлама мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Албатта, бу осон ҳал этиладиган вазифа эмас. Лекин айнан мана шу амалий мақсад — давлатлараро муносабатларни яхшилаш соҳасидаги, кескинлик ва можаролар келтириб чиқарадиган омилларни аниқлаб, уларни бартараф этишга йўналтирилган барча саъй-ҳаракатларимизни оқлаши мумкин.

Сўзимнинг якунида ушбу анжуманда ҳозир бўлганларнинг барчасига яна бир бор самимий ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этишга, саммит ишига муваффақият тилашга ижозат бергайсиз.

Эътиборингиз учун ташаккур.

ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ САҚЛАШНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Иккинчидан, ШҲТ умумий чегаралар, яқин тарихий-маданий, анъанавий, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар алоқаларга эга давлатларнинг тенг ҳуқуқли бирлашмаси бўлиб, унинг фаолияти бошқа мамлакатларнинг манфаатларига қарши қаратилмаган ва қарама-қаршилик қиладиган блок хусусиятига эга эмас.

Ниҳоят, **учинчидан**, ҳозирги замонда ШҲТ ўзининг асосий тамойилларидан келиб чиқиб барқарорликни сақлашнинг ишончли кафили, радикал ва экстремист кучлар, турли қўпорувчи ва бузғунчи марказларнинг минтақада вазиятни издан чиқариш, уни қарама-қаршилик ва низо майдонига айлантиришга уринишларига тўсиқ қўювчи омил сифатида майдонга чиқаётгани алоҳида аҳамиятга эга.

Ҳурматли саммит қатнашчилари!

Халқаро ҳамжамият томонидан амалга оширилаётган саъй- ҳаракатларга қарамай жаҳон бўйлаб хавф-хатар камаймаяпти.

Бугунги форумда вакиллари иштирок этаётган кенг географик ва геосиёсий ҳудудда ҳали ҳамон кескинлик ўчоқлари, ҳудудий ва минтақавий низолар, миллий ва диний асосдаги қарама-қаршиликларнинг кескинлашиш хавфи, иқтисодий ва гуманитар хавф-хатарлар сақланиб қолмоқда.

Афғонистонда вазиятнинг беқарорлиги, наркотик ишлаб чиқариш ҳажми ортаётгани, ушбу мамлакатда жойлашган коалиция кучларининг бу иллатга қарши кураш чоралари кутилган натижани бермаётгани жиддий ташвиш уйғотмоқда.

Минтақа мамлакатлари ўртасидаги муносабатларга совуқчилик тушуриш, уларни муқобил давлатлараро бирлашмаларни шакллантириш бўйича турли геосиёсий комбинацияларга тортишга астойдил уринишлар давом этмоқда. Булардан мақсад ўзининг стратегик манфаатлари йўлида минтақадаги вазиятни издан чиқаришдир.

Минтақадаги давлатларни, сиёсий йўналиши уларнинг узоқ муддатли манфаатларига мос келиши ёки келмаслигига қараб, демократик ёки ғайридемократик деб атайди, бундай қарашнинг оқибати ҳам шунга яраша бўлади.

Ўз-ўзидан аёнки, юзага келаётган мураккаб вазиятда узоқ истиқболни ҳисобга олиб бундай комбинацияларнинг рўй бериши мумкин бўлган барча оқибатларини олдиндан кўра билиш ва бартараф этиш лозим.

Ҳар бир мамлакатнинг манфаатлари ва хавфсизликнинг яхлитлиги тамойилидан келиб чиқиб ҳаммамиз учун умумий бўлган таҳдидларга қарши курашда ягона позицияда туриб иш тутмоқ муҳим аҳамият касб этади. Минтақадаги мавжуд ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни баҳолашда келишилган ёндашувлар ҳамда радикализм, экстремизм мафкураси хуружи ва миллатчилик кўринишларига қарши жавоб ҳаракатларини ишлаб чиқиш зарур.

Сув-энергетика ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, коммуникация масалалари ва бошқа муаммолар ҳар бир мамлакат ва умуман минтақа манфаатларининг мувозанатини ҳисобга олган ҳолда оқилона ҳал этилиши лозим.

Мамлакатларимизнинг барқарор ва изчил ривожланиши, халқларимизнинг фаровонлиги, кўп жиҳатдан, кўп томонлама иқтисодий ҳамкорлик ва кооперацияни янада чуқурлаштиришга, «Шанхай жараёни»нинг барча қатнашчилари манфаатларига бир хилда мос келадиган муҳим трансмиллий лойиҳаларни ҳал этишда биргаликдаги саъй-ҳаракатларимизни кучайтиришга боғлиқ.

Айтилган фикрларни умумлаштириб шуни таъкидлашни истардимки, имзолаш учун тайёрланган саммит ҳужжатлари — ШҲТда интеграция жараёнларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, замон таҳдидларига қарши биргаликда курашиш борасидаги янги қадамдир.

Ишончим комилки, ўзаро ишонч ва ҳурмат, мамлакатларимиз ўртасидаги конструктивизм ва прагматизм, манфаатлар мувозанатини сақлаш каби асосий тамойилларга асосланган ҳамкорлик хавфсизликни таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, халқларимиз фаровонлигини ошириш масалаларини ҳал қилиш учун мустаҳкам пойдевор яратмоқда.

Эътиборингиз учун ташаккур.

ЕВРОПАРЛАМЕНТДА "ЎЗБЕКИСТОН КЕЧАСИ" ЎТКАЗИЛДИ

БРЮССЕЛЬДАГИ ЕВРОПА ПАРЛАМЕНТИДА ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЙ САЛОҲИЯТИНИНГ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ПАРЛАМЕНТ ДЕПУТАТЛАРИ, ЕВРОПА ИТТИФОҚИ КЕНГАШИ, ЕВРОПА ИТТИФОҚИ КОМИССИЯСИ, БЕЛЬГИЯНИНГ СИЁСИЙ, АКАДЕМИК, МАДАНИЙ ДОИРАЛАРИ, БРЮССЕЛЬДА АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТГАН ДИПЛОМАТИЯ КОРПУСИ ВА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Европа парламенти депутати, Францияннинг собиқ маданият ва адлия вазири Жак Тубон тақдимот маросимини очар экан, айни пайтда маданиятлар ва цивилизациялар ўртасидаги мулоқот муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлаб, Ўзбекистоннинг бой маданияти билан танишув Европа ва мамлакатимиз халқлари ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштиришга хизмат қилажагини айтиб ўтди. Мамлакатимизнинг Бельгиядаги элчиси ва ЕИдаги миссияси раҳбари Владимир Норов йиғилганларга республикамизда ўзбек халқининг улкан маънавий ва маданий меросини сақлаш ва ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида маълумот берди.

Кечада Тошкентнинг "Ассалом, куёш" рақс ансамбли санъаткорлари ўз концерт дастурини намойиш этди. Ёш артистларнинг чиқишларида мамлакатимизнинг турли минтақаларидаги рақсларнинг бойлиги ва гўзаллиги мужассам бўлди.

Энергетик хартия котибияти бош котиби Андре Мернье «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда Европарламентдаги «Ўзбекистон кечаси» барчага манзур бўлганини айтиб, у Европа пойтахти – Брюссельда фаолият юритаётган кўплаб европаликлар учун Ўзбекистонга саёҳат қилиш ва унинг Бухоро, Хива, Самарқанд, Тошкент каби тарихий шаҳарлари гўзаллигини ҳамда ўзбек халқининг кўп асрлик бой тарихини ўзи учун кашф этишга туртки бўлиши лозимлигини таъкидлади. А.Мерньенинг айтишича, "замонавий инсон ҳаётида бир бора бўлсада, гўзал мамлакатингизни бориб кўриши керак".

Жамшид МУТАЛОВ,
«Жаҳон» АА мухбири,
Брюссель

Фестивалларда

ҚУДРАТИМИЗ — ДЎСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИКДА

БУГУНГИ КУНДА МАМЛАКАТИМИЗДА 130 ДАН ОРТИҚ ТУРЛИ МИЛЛАТ ВАКИЛЛАРИ БИРДАМЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИКДА, ЎЗАРО ТИНЧ-ТОТУВЛИКДА ЯШАМОҚДАЛАР. АЙНИҚСА УЛАР ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО ДЎСТЛИК, ТЕНГЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ЯНАДА КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЙДИ, ҚАРДОШЛИК АНЪАНАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНДИ.

Шу маънода «Туркистон» санъат саройининг ёзги саҳнасида Республика Байналмилал маданият маркази ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан мамлакатимиз Мустақиллигининг 15 йиллигига бағишлаб «Қудратимиз—бирлик ва ҳамжиҳатликда» номи остида ўтказилган мусиқа фестивали юртимизда яшовчи барча миллат ва элатлар ўртасидаги дўстлик, озод ва обод юртнинг истиқлоли ва истиқболини тараннум этувчи, Ватан равнақи, эл-юрт фаровонлигини мадҳ этувчи шодиёна сифатида дилларни ҳушнуд этди.

Тадбир аввалида серқуёш мамлакатимизнинг меҳрга лиммо-лим бағрида ўсиб улғаяётган турли миллат вакилларидан иборат санъаткорлар жамоаси дастур иштирокчиларининг самимий олқишлари остида саҳнага чиқиб келдилар. Айтиш мумкинки фестиваль дастуридан ўрин олган ўзбек, корейс, қозоқ, туркман, бошқирд, татар, рус ва бошқа тилларда янграган куй-қўшиқларда она-Ватанимизнинг меҳрли ҳарорати, қадру қиммати истеъдод эгалари томонидан ўзига хос овозда куйланди.

Биз фурсатдан фойдаланиб фестиваль иштирокчиларидан бирини суҳбатга тортдик .

— Юртимиздаги кўпгина мусиқий дастурларда иштирок этиб келмоқдаман, — дейди корейс миллий -маданий маркази аъзоси, истеъдодли эстрада хонандаси Зоя Цой.— Бугунги кечамизда эса «Асрайлик Ватанни кўз қорачиғимиздек» деб номланган янги қўшиғим билан иштирок этмоқдаман. Ўйлайманки, санъатсевар халқимиз ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик минбарига айланиб бораётган фестивалимиздан олам-олам таассурот олади.

Шундан сўнг сўз навбати Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповга берилди. Элимизнинг ардоқли шоири фестиваль қатнашчилари ва иштирокчиларини самимий қутлар экан, бугун дунёнинг чекка-чеккаларида ўзаро низо ва келишмовчиликлар авж олаётган, бетўхтов давом этиб келаётган парокандаликлар сиёсий бўҳронларга айланаётган бир вақтда юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, ўзаро ишонч, ҳамфикрлик ва ҳурфикрликка асосланган барқарорликни кўз қорачиғимиздек асрабавайлашимиз лозимлиги, ҳақида фикр билдирди. Шунингдек, тадбирда сўз олган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Х.Дўстмуҳамедов , Республика Байналмилал маданият маркази раҳбари Н.Муҳаммадиев ва бошқалар юртимиздаги барқарорлик миллатлар ўртасидаги аҳиллик учун муҳим омил бўлаётганлигини таъкидладилар.

Биробарин, бу борадаги қутлуғ анъаналаримизни собитқадамлик билан давом эттириш ёш авлод зиммасидаги масъулиятли вазифалардан биридир. Зеро, муҳтарам Юртбошимизнинг «Мустақиллик ниҳоли кўкариши учун унга тинчлик, осойишталик, тотувлик, миллатлараро чидам ва бардош каби илдизлар керак» деган сўзларини ҳеч қачон унутмаслигимиз даркор.

Дилрабо куй-қўшиқларга йўғрилган дастур якунида ўз истеъдод ва иқтидорларини намойиш эта олган санъаткорларга Республика Байналмилал маданият маркази томонидан дипломлар ва мукофотлар топширилди.

Фестивалда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ш.Ёвқочев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова, Тошкент шаҳар ҳокими А. Тўхтаевлар иштирок этишди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Иқтисодиёт

ТАЛАБГА ЯРАША

«МАХСУС-МЕБЕЛЬ» ХУСУСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТИЖОРАТ ФИРМАСИ «МЕБЕЛЬ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЦЕХИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ АСОСИДА ИШ БОШЛАГАН БЎЛИБ, ЎТГАН УЧ ЙИЛ ДАВОМИДА БОЗОРНИ ЎРГАНИШ АСОСИДА ЯНГИ-ЯНГИ МЕБЕЛЬ ТУРЛАРИ ХАРИДОРЛАРГА ТОРТИҚ ЭТИЛМОҚДА.

Турли хил хонадон, офис, идора ва мактаб, лицейлар учун 30 турдаги мебель жиҳозларини ишлаб чиқараётган корхона аҳли асосан маҳаллий хом ашё — чинор ва қайрағочдан фойдаланади. Шунингдек, ҳамкорлик асосида Россия ва Болтиқбўйи давлатларидан келтирилган ламинатлар рақобатбардош ва мустаҳкам мебеллар яратишда қўл келмоқда.

— Мебель турларини ишлаб чиқаришда дизайнерларимиз хориж каталогларидан ижодий фойдаланишади ҳамда ўзларининг бор маҳоратларини ишга солишади, — дейди директор ўринбосари Собир Ғоибназаров. — Жорий йилда янги дизайндаги банкет стол-стуллари, компьютер столи, мактаб ва лицейлар учун парта ва доскалар ишлаб чиқарилади.

Тадбиркорлар келгусида ҳам ўқув юртлари учун шинам ва қулай мебеллар яратиш устида изланишмоқда. Изланишлар самараси эса албатта буюртмачилар сафи кенгайишига асос бўлади.

Шарофат БАҲРОМОВА

МУҲОКАМАДА БОЛАЛАР АСАБ КАСАЛЛИГИ

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИДА «ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ» МУНОСАБАТИ БИЛАН «БОЛАЛАР НЕВРОЛОГИЯСИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ» МАВЗУИДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН ЎТКАЗИЛДИ.

Анжуманда болалар асаб касалликларининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида тиббиёт олдида турган долзарб масалаларга бағишланган маърузалар тингланди. Шунингдек, болалар шифокорларини тайёрлаш, уларнинг билим савиялари ва малакаларини ошириш, асаб касалликларини даволашда қўлланиладиган замонавий дори воситаларидан фойдаланиш усуллари ва тартиби тўғрисида маълумотлар берилди.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 14 фоизини болалар ва ўсмир ёшлар ташкил этади. Бу эса тадбирда муҳокама қилинадиган масаланинг нақадар долзарб эканлигини кўрсатади. Шунингдек, анжуман доирасида асаб касаллигини даволашда қўлланиладиган янги дори воситалари намойиш этилди. Мутахассислар уларни қўлланиш тартиб ва меъёрлари хусусида иштирокчиларга маълумот беришди.

ФАН ОЛИМПИАДАСИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИДА ҲУҚУҚШУНОСЛИККА ИХТИСОСЛАШГАН ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА ФАН ОЛИМПИАДАСИ ЎТКАЗИЛДИ.

Талабалар конституцион ҳуқуқ, давлат ҳуқуқ назарияси, жиноят ҳуқуқи, фуқаро ҳуқуқи, халқаро ҳуқуқ фанларидан тест саволларига жавоб беришди.

Олимпиадада Тошкент Давлат юридик институти, Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд, Наманган, Нукус Давлат университетлари талабалари ҳамда ички ишлар академиясининг тингловчилари ўз билимларини синовдан ўтказди.

Шунингдек, унда талабалар томонидан тайёрланган энг яхши маъруза ва энг яхши мақолалар танлови ҳам бўлиб ўтди. Келгусида улар асосида илмий тўплам яратилиши кўзда тутилган.

МАКТАБДА ОРОМГОҲ

ПОЙТАХТНИНГ УЧТЕПА ТУМАНИДАГИ 246-МАКТАБДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН «ҚАЛДИРҒОЧ» ДЕБ НОМЛАНГАН ЁЗГИ ДАМ ОЛИШ ОРОМГОҲИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Очилиш маросимида юқори синф ўқувчилари томонидан тайёрланган концерт дастури кичкинтойларга совға сифатида ҳавола этилди.

Бу йилги ёз мавсумида мазкур оромгоҳда 125 нафар болаларнинг дам олиши режалаштирилган. Унда 12дан ортиқ тўгараклар ташкил этилиб, компьютер синфлари болалар ихтиёрида бўлади.

«Туркистон-пресс»

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА СОБИР РАҲИМОВ ТУМАН КЕНГАШЛАРИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИНИНГ ХОТИН-ҚИЗЛАР СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ, ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ ВА МАВҚЕИНИ ОШИРИШ БЎЛИМИ РЕСПУБЛИКА ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ «ШЕРИНГ» ФАРМАЦЕВТИКА КОМПАНИЯСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА «ҒУНЧА-МЕД» КЛИНИКАСИДА «АЁЛ ВА САЛОМАТЛИК» МАВЗУСИДА ДАВРА СУҲБАТИНИ ТАШКИЛ ЭТДИ.

2006— Ҳомийлар ва шифокорлар йили

АЁЛЛАР СОҒЛИҒИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Маҳалла фаоллари, туман ҳудудий-тиббиёт бирлашмаси вакиллари қатнашган тадбирда «Ғунча-Мед» клиникаси раҳбари Раъно Ҳожимуҳамедова, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Мухлиса Акрамова, Тошкент Врачлар малакасини ошириш институти профессори, тиббиёт фанлари доктори Дилобар Миррахимова, «Шеринг» фармацевтика компанияси вакили Шоира Тошхўжаева, Собир Раҳимов тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Мукаддам Расуловаларнинг маъруза ва чиқишларида, саволларга берилган жавобларда аёлларда кўп учрайдиган айрим касалликлар, уларнинг олдини олиш ёки даволаш йўллари, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод тарбияси, репродуктив саломатлик, турмуш тарзини илм-фан асосида такомиллаштириб бориш, оилада тиббий маданиятни шакллантириш, «Соғлиғинг ўз қўлингда» деган тамойилни амалиётга татбиқ этиш масалаларига эътибор қаратилди.

Шуни ҳам айтиш керакки, пойтахтда фаолият юритаётган «Шифо-нур-сервис» хусусий фирмаси қошидаги бу клиника беморларни даволаш билан бирга халқнинг соғлиғини яхшилаш йўлида тиббий маданиятни шакллантириш, тарғибот-ташвиқот ишларини ҳам олиб бормоқда. Ҳомийлик ишларида ҳам четда турмайди. Собир Раҳимов туманидаги 299-болалар боғчасини парта ва стуллар билан таъминлаш учун 2006 йили 500000 сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Мактаб ўқувчиларини китоблар билан таъминлаб, тиббий ёрдам кўрсатилди. Наврўз байрами арафасида Охунбобоев, Мискин ва Чустий номли маҳаллалардаги кам таъминланган оилаларга 420.000 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Собир Раҳимов туманидаги 21-ўрам ҳудудида жойлашган барча маҳаллалардаги ногиронлар ва боқувчисини йўқотганларга «Ғунча-Мед» клиникасидан тиббий хизмат ҳамда дори-дармонлар учун 1.000.000 сўм ажратилди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

ЎЗБЕКИСТОН — БУЮК БРИТАНИЯ:

САЙЁҲЛИК СОҲАСИДАГИ ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК

«ЎЗБЕКТУРИЗМ» МИЛЛИЙ КОМПАНИЯСИ РАИСИ Р. ҚУРБОНОВ РАҲБАРЛИГИДАГИ МАМЛАКАТИМИЗ САЙЁҲЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ ВАКИЛЛАРИДАН ИБОРАТ ДЕЛЕГАЦИЯ ЛОНДОН ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ ТАҚДИМОТИНИ ЎТКАЗДИ.

Мазкур тадбирда Бирлашган қироллиқнинг сайёҳлик, меҳмонхона, суғурта ва ноширлик бизнеси соҳасидаги компания ва агентликлари, илмий ва жамоат доиралари вакиллари, журналистлар иштирок этдилар.

Буюк Британия тадбиркорларига мамлакатимиз сайёҳлик тизимининг сармоявий салоҳияти, Ўзбекистонда элитар, маърифий, экологик ва спорт сайёҳлиги бўйича хизматларнинг асосий туркуми, юртимизда меҳмонхона объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича ҳукумат дастурининг амалга оширилиши жараёнлари тўғрисида ахборот берилди. Бу ерда ташкил этилган халқ амалий санъати буюмлари ҳамда ипак, адрас ва атлас каби миллий матолар кўргазмаси, шунингдек, Ўзбекистоннинг тарихий ва меъморий осори-атиқалари, халқимизнинг бой маданий мероси тўғрисидаги мультимедиа фильмлар тақдимот маросимига ўзгача тус берди.

Ўзбекистон делегацияси аъзолари ўз навбатида мамлакатда меҳмонхона ва ресторан бизнесини ўзида бирлаштирган Буюк Британия меҳмондўстлик уюшмаси, Тарихий объектлар ва маданий меросни муҳофаза қилиш миллий жамғармаси, Лондон мэриясининг сайёҳлик департаменти ва мамлакатнинг қатор йирик сайёҳлик фирмалари фаолияти билан танишишди.

Ўтказилган учрашув ва музокараларда Буюк Британия муассаса ва компанияларининг Ўзбекистон билан сайёҳлик соҳасида яқиндан ҳамкорлик қилишга, ўзбекистонлик ҳамкасблари билан ўзаро ҳамкорликнинг янги шаклларини амалиётга жорий қилишга катта қизиқиш билдираётгани маълум бўлди.

Музокаралар якуни бўйича, «Ўзбектуризм» миллий компанияси ва Буюк Британия меҳмондўстлик уюшмаси ўртасида, шунингдек, ушбу мамлакатнинг «Силк Роуд энд Бийонд» ҳамда «Кокс энд Кингз» сайёҳлик компаниялари билан ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумлар имзоланди. Мазкур ҳужжатларда сайёҳликни ривожлантириш бўйича қўшма лойиҳаларни, муттасил ва тезкор ахборот алмашинувини амалга ошириш, сайёҳлик индустрияси мутахассисларининг малакасини ошириш учун қўшма конференциялар, тренинг ва семинарларни ташкил этиш зарурлиги қайд этилди. Томонлар, шунингдек, икки томонлама ҳамкорликнинг аниқ йўналишлари бўйича биргаликдаги ишлар режасини тезроқ ишлаб чиқиш тўғрисида келишиб олишди. Ушбу режа имзоланган меморандумларга қўшимча қилинади.

«Силк Роуд энд Бийонд» директори Р. Мехдизаденинг таъкидлашича, меморандумнинг имзоланган унинг компанияси учун Буюк Британия фуқароларининг Ўзбекистонга саёҳатини янада сифатлироқ даражада ташкил этишида янги имкониятларни очиб беради. Бу эса Ўзбекистонга хорижий сайёҳлар оқимини кўпайишига ҳисса қўшиши шубҳасиздир.

«Кокс энд Кингз» директори Т. Ивэнснинг фикрича, муттасил ва тезкор ахборот алмашинуви тўғрисида эришилган келишувлар Ўзбекистоннинг сайёҳлик соҳасидаги нуфузини Буюк Британиянинг йирик оммавий ахборот воситалари орқали янада кўтаришга кўмаклашади.

Мамлакатдаги энг йирик ресторанлар, меҳмонхоналар ва футбол клубларидан иборат корпоратив аъзоларга эга Буюк Британия меҳмондўстлик уюшмаси Бирлашган Қироллиқдаги сайёҳлик коллежларида ўзбек мутахассислари учун махсус курсларни ташкил этиш бўйича кўмаклашишга тайёрлигини маълум қилди.

«Жаҳон» АА

Сайловларга кўмаклашувчи шаҳар комиссиясида

ФАОЛ, ОШКОРА, ДЕМОКРАТИК ТАРЗДА

ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИГА САЙЛОВЛАР УШБУ ТАМОЙИЛЛАР АСОСИДА БЎЛИБ ЎТДИ

ПОЙТАХТДА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШГА КЎМАКЛАШУВЧИ ШАҲАР КОМИССИЯСИНИНГ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА САЙЛОВ КАМПАНИЯСИНИНГ ЯКУНЛАРИ ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ.

Истиқлол йўлини танлаган мамлакатимиз дастлаб белгилаб олган демократик ривожланишнинг «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилига мувофиқ шаҳдам қадам ташламоқда. Бугунги кунда республикамизда аҳолининг турли қатламлари манфаатини ҳимоя қилувчи юзлаб жамоат тузилмалари фаолият юритмоқда.

Жорий йилнинг май-июнь ойларида ўзини ўзи бошқариш органларига бўлиб ўтган сайловлар эса яна бир бор маҳалла фуқаролик институтлари қаторида етакчилик қилаётганини ва айни пайтдаги демократик шароитларда том маънода жамият ва давлат асоси мақомини эгаллаганини намоён этди.

Бу йилги сайловлар жараёнларида аҳолининг кенг қатлами иштирок этди ва буни тушуниш қийин эмас. Маҳалла ҳар биримизнинг ҳаётимизда алоҳида ўрин тутади. Маҳалла билан биз кундалик ҳаётимизни ва эртанги кунимизни боғлаймиз. Бу ерда ҳар бир кишининг ёши, миллати, эътиқоди, эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар манфаатлари таъминланади. Маҳалла бизнинг ижтимоий-иқтисодий масалаларимизни ҳал этади, турар жойларда инсонларнинг тинчлиги ва фаровонлиги учун жавобгар, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга ғамхўрлик кўрсатади, ўзгалар ёрдамига муҳтожларнинг ҳар бирига кўмаклашади. Шу нуқтаи назардан фуқаролар сайлов жараёнларига бефарқ ёки лоқайд бўлмасдан, балки маҳалла бошига эртага ким бўлишини ҳал этишда фаоллик кўрсатаётганининг шоҳидимиз.

Таъкидлаб ўтмоқ керакки, мамлакатимиз пойтахти сайлов кампанияси якунлангани хусусида биринчилардан бўлиб ҳисобот берди.

Маълумки, ўзини ўзи бошқариш органларига бўлиб ўтган бу йилги сайловлар муҳим ижтимоий-иқтисодий воқеа сифатида таърифланмоқда. Ушбу жараён илк бор «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги янги қонун асосида ўтказилди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ сайлов жараёнларининг қонунчилик доирасида бўлиб ўтишини таъминлаш мақсадида шаҳар ва туманлар миқёсида жамоат тузилмалари ҳамда маҳаллий бошқарув органлари таркибида махсус комиссиялар тузилди, жойларда эса — ҳар бир маҳаллада аҳоли орасида ҳурмат қозонган кишилар, шунингдек ҳудудий жойлашган юридик субъектлар раҳбарларидан иборат ишчи гуруҳлари ташкил этилди.

Сайловларнинг ташкилий жиҳатдан юқори даражада ўтказилишига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси ҳамда Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ўқитувчи ва тингловчилари кўмак беришди. Барча сиёсий жараёнлар каби бу йилги фуқаролар йиғини сайловларида ҳам Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчи ва талабалари фаол қатнашишди.

Йиғилишда таъкидлаб ўтилганидек, пойтахтдаги 474 та маҳаллада ҳисобот-сайлов йиғилишлари тўлиқ қонунчилик талабларига риоя этган ҳолда, демократик, ошкоралик, очиқлик ва тенг сайлов ҳуқуқи тамойилларига асосланган ҳолда бўлиб ўтди.

Сайловларда 38.090 киши — 1,3 миллион аҳоли номидан муҳокамаларда иштирок этиш учун сайланган вакилларнинг 94 фоизи қатнашди. Вакиллик меъёрига мувофиқ ўрта ҳисобда ҳар 32 кишидан бир нафар вакил тайинланди.

Сайловларнинг кенг қамровлилиги, уларда демократик ва ошкоралик тамойиллари ёркин ифодасини топганини шу ҳам маълум қиладики, ушбу жараёнда ихтиёрий равишда, фуқаролик ва сиёсий нуқтаи назарини алоҳида кўрсатган ҳолда 14 мингдан зиёд маҳалла аҳли ҳам иштирок этди.

Фуқаролар йиғинлари кенгашлари ҳамда тафтиш комиссиялари фаолиятини муҳокама қилиш жараёнларида эса 3,6 мингдан зиёд киши қатнашди. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, ушбу жараёнда сайловчилар нафақат оқсоқоллар фаолиятининг ўтган даврига оид ижобий фикр-мулоҳазалар ва таклифлар билдиришди. Балки ҳисобот берувчи оқсоқоллар ва уларнинг бошчилигидаги кенгашларга аҳоли томонидан берилган баҳодан келиб чиққан ҳолда сайлов кун тартибидаги бошқа муҳим масалалар, шу жумладан янги оқсоқолни сайлаш масаласи ҳам кўрилди. Сайловлар якунлари бўйича пойтахтдаги 14 та маҳалла оқсоқоллари ва фуқаролар йиғинлари кенгашлари фаолияти қониқарсиз деб топилди, шу жумладан Мирзо Улуғбек тумани бўйича — саккизта маҳалла бўйича кенгаш томонидан олиб борилган фаолиятга нисбатан кўпчилик томонидан эътирозлар бўлди. Ўз-ўзидан ушбу маҳаллалардаги раислар ўрнига янгилари сайланди.

Умуман олганда, 169 та маҳалла фуқаролар йиғинларига янги раислар сайланди. Ушбу йўналишда энг юқори кўрсаткичлар Сергели (55,4 фоиз), Юнусобод (48,3 фоиз) ва Мирзо Улуғбек (46,2 фоиз) туманларига тўғри келади. Агарда сайловлар орасида кейинги олти ой давомида 103 та маҳаллада турли сабабларга кўра оқсоқоллар алмаштирилганлиги инобатга олинадиган бўлса, шаҳар бўйича маҳаллаларнинг деярли 59 фоизига аҳоли ўртасида ҳурмат ва обрў-эътиборга эга, катта ҳаётий тажриба соҳиби ҳамда атрофдаги ўзгаришларга холисона баҳо бера оладиган инсонлар бош-қош бўладилар.

Аҳолининг фикрини инобатга олган ҳолда ишчи гуруҳлари томонидан фуқаролар йиғини раиси вазифаларига 1714 киши тавсия этилган. Ўрта ҳисобда ҳар битта жойга тўртта номзод тўғри келаётган бўлса, айрим маҳаллаларда ушбу кўрсаткич 6-7 кишини ташкил этди.

Оқсоқолларнинг сифат таркибига келадиган бўлсак, янги муддатга сайланган раисларнинг 77 фоизи олий маълумотли бўлиб, уларнинг аксарияти иқтисодчи, тўртдан бир қисми эса гуманитар йўналишдаги мутахассисликларга эга. Ушбу кўрсаткич Миробод, Сергели, Собир Раҳимов, Мирзо Улуғбек ва Чилонзор туманларида 80-85 фоизни ташкил этади.

Ўтган сайловларга нисбатан фуқаролар йиғинлари раисларининг ёшарганлиги кузатилди. Ўрта ҳисобда уларнинг ёши 55 га тўғри келса, 13 нафар янги сайланган оқсоқол энди 40 ёшни қораламоқда.

Йиғилишда ушбу ижтимоий-сиёсий жараёнда, шу жумладан номзодларни кўрсатишда аёллар алоҳида фаоллик кўрсатгани таъкидлаб ўтилди. Сайловлар якунлари бўйича фуқаролар йиғинлари раислигига 65 нафар аёл сайланди, яъни пойтахт маҳаллаларининг 14 фоизини эндиликда хотин-қизлар бошқаради. Олдинги даврга нисбатан бу кўрсаткич деярли икки баравар ошганининг шоҳидимиз. Бундан ташқари, тафтиш комиссияси аъзоларининг 45 фоизи, масъул котибларнинг — 66 фоизи, маслаҳатчиларнинг 31 фоизини ҳам хотин-қизлар ташкил этади. Дарвоқе, фуқаролар йиғинлари раислари маслаҳатчиларининг таркибий қисми ҳам анча кенгайган. Эндиликда кенгаш доирасида ўрта ҳисобда турли фаолият йўналиши бўйича 14 нафардан маслаҳатчилар, шунингдек 12 та комиссиялар иш олиб боради.

Йиғилишда ҳисобот-сайлов йиғилишларига тайёргарлик кўришни ташкил этиш масалаларида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Бу йилги сайловларда аҳолини мазкур жараён моҳияти ва аҳамияти юзасидан воқиф қилиш борасида ҳар хил янги услублар қўлланилди. Биринчи навбатда бу марказий кўчалар ҳамда жамоат транспортида кенг ўрин топган чорловчи плакатларда аксини топган бўлса, жойларда эса ҳар бир кўча ва ҳар бир кўп қаватли уйлар йўлакларида ўрнатилган эълонлардан иборат бўлди.

Сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёнларида асосий юкни ишчи гуруҳлари кўтарган бўлса, бу борада Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчи-талабаларининг ёрдами алоҳида эътиборга лойиқдир. Институт томонидан том маънода сайлов кампаниясининг қонунчилик-ҳуқуқий маънода фаол ўтишига асосий замин яратилди десак муболаға бўлмайди. Аҳоли ўртасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари хусусида кенг қамровли иш олиб бориш билан бирга, институт вакиллари шунингдек, турар жойларда кўтарилаётган долзарб масалалар мониторингини ҳам ўтказишди.

Бу йилги сайловларда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ҳам янада сезиларли бўлди. Газета, телевидение, радио, ахборот агентликлари томонидан ҳисобот сайловларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш жараёнлари изчил ёритиб борилди. Улар давра суҳбатлари, тўғридан-тўғри мулоқотлар ташкил этишда ташаббускорлик кўрсатди. Бу борадаги фаолиятни қўллаб-қувватлаш мақсадида йиғилишда фуқаролар йиғинларига сайловларга оид газеталар саҳифаларида чоп этилган мақолаларни алоҳида тўплам қилиб нашр этиш таклифи маъқулланди.

Шу билан бирга, комиссия раиси Мирзаюсуф Рустамбаев таъкидлаб ўтганидек, бу йилги сайловлар ташкилий жиҳатдан ўзига хос равишда тажриба орттириш мактаби бўлди.

— Биз халқ манфаати устун бўлган демократик ҳуқуқий давлат барпо этмоқдамиз, — деди М.Рустамбаев. — Фуқаролик жамияти эса кишиларнинг фаоллиги асосида, ҳар бир инсоннинг фикри инобатга олингани ҳолда шаклланади. Фуқаролик жамияти институти ҳисобланган ўзини ўзи бошқариш органлари халқимизга азалдан хос бўлган ғояларнинг амалда ифода топиши учун хизмат қилади. Бу борада демократик қадриятлар ҳамда кенг аҳоли орасида шундай ҳиссиётлар намоён бўлишига доир халқимизнинг миллатлараро, эътиқодлараро, маданиятлараро бағрикенглиги ва ҳамжиҳатлиги алоҳида эътиборга сазовордир. Ўзини ўзи бошқариш тизимини ташкил этиш ва шакллантириш тажрибаси машаққатли ва қийиндир, бу йўлда эса ўз-ўзидан хато ва камчиликлар ҳам юзага келиши табиий.

Ҳисобот-сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишга оид қонун ҳужжатларининг ўзаро мувофиқлаштирилганлиги, ҳуқуқий асослари яратилганлиги аниқланди, бу эса, ўз навбатида, маълум бир маънода кишиларнинг кайфиятида вақтинча бўлса ҳам ўз аксини топди. Бироқ, таъкидлаб ўтиш лозимки, бундай ҳолатлар асосан ташкилий кўринишга эга бўлди. Сайловлар даврида шаҳар комиссиясига фуқаролардан 39 та ариза ва мурожаатлар келиб тушган бўлса, уларнинг ҳар бири мутахассисларни жалб этган ҳолда, вақтида ўрганилди. Кўрилган чоралар эса аҳолининг эътирозларини қаноатлантирди деса бўлади. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, бу йилги сайловларда ҳар бир ҳисобот йиғилиши видеокассеталарга ёзиб борилди. Бу эса фуқаролар томонидан кўтарилган кўплаб масалаларни вақтида ва тўсиқларсиз ҳал этишга асос бўлди. Аммо бу борада, йиғилишда айтиб ўтилганидек, сайлов кампаниясини ташкил этишга ваколатли бўлган ҳар бир киши кейинчалик хатоликларга йўл қўймаслик учун тегишли хулоса чиқариши керак.

Йиғилишда янги сайланган раислар, шу жумладан қайта сайланганлар учун ҳам тезкорлик билан семинар ўқув курсларини ташкил этиш, уларга маҳалла ҳужжатларини қабул қилиш ва топшириш масалаларида ташкилий жиҳатдан ёрдам бериш лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда сўзга чиққан комиссия раиси ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова давлат ва жамият ҳаётида муҳим ўрин тутган сайлов жараёнининг моҳиятига урғу бериб, бугунги кунда вақтнинг ўзи жамоатчилик тарзида бўлса ҳам, ушбу комиссия фаолиятини давом эттиришни тақозо этмоқда дея, бу борада авваламбор аҳолининг фуқаролик ва сиёсий фаоллигини ошириш, уни ушбу жараёнга кенгроқ жалб этиш каби муҳим масалалар устида бугундан бошлаб бош қотириш лозим эканлигини таъкидлаб ўтди. Шу нуқтаи назардан тушунтириш ишларининг янги услублари, хусусан жойларда обрў-эътиборли кишилар ва ёшлардан иборат тарғиботчи гуруҳлар ташкил этиш, оқсоқолликка номзодлар заҳирасини шакллантиришнинг мақсадга мувофиқлиги қайд этилди. Комиссия томонидан шунингдек, ҳар бир маҳаллага ҳуқуқий маслаҳат ва услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида Тошкент Давлат юридик институти талабаларини бириктириш таклифи қўллаб-қувватланди. Ўз навбатида, ушбу жараёнларга пойтахтдаги бошқа олий ўқув юртлари вакилларини ҳам жалб этиш юзасидан таклифлар киритилди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

Анжуманлар

ҚОН—БУ ҲАЁТ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА ХАЛҚАРО ДОНОРЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН БРИФИНГ ЎТКАЗИЛДИ. АЙТИШ КЕРАККИ, ХАЛҚАРО ДОНОРЛАР КУНИ КЎНГИЛЛИ ВА БАДАЛСИЗ ҚОН ТОПШИРИШНИ ТАРҒИБ ҚИЛУВЧИ ХАЛҚАРО ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ВА ҚИЗИЛ ХОЧ ЖАМИЯТИ ФЕДЕРАЦИЯСИ, ДОНОР ҚОНИ ТАШКИЛОТИ ХАЛҚАРО ФЕДЕРАЦИЯСИ, ҚОН ҚУЙИШ ХАЛҚАРО ЖАМИЯТИ ҲАМДА ЖАҲОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТЛАРИ ТОМОНИДАН ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН.

Дунёда миллионлаб инсонларнинг ҳаёти, айнан холисона, бадалсиз қон топширувчи инсонлар—донорларнинг қони эвазига сақлаб қолинади. Дунё бўйича маълумотлар холисона, бадалсиз қон топширувчи инсонларда қон орқали юқиши мумкин бўлган, ҳаёт учун хавф соладиган юқумли касалликлар, жумладан ОИВ ва гепатит вирусларини ташиш эҳтимоли камлиги ва айнан улар хавфсиз қон билан таъминлашнинг ўзагини ҳосил қилишидан далолат бермоқда. Халқаро донорлар кунига бағишланган брифинг айнан холисона қон топширувчи инсонларга бағишланган.

Мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти, «Қон—инсонлар хизматида» нодавлат жамоат фонди вакиллари ва журналистлар, олимлар иштирок этишди. Тадбирда таъкидланишича, ҳозирги кунда республикамизда 21 та қон қуйиш станциялари ва 239 та қон қуйиш бўлимлари мавжуд бўлиб, унда 469 нафар шифокор ва 1110 та ўрта тиббий ходим фаолият олиб бормоқда.

Охирги 10 йил давомида тиббий муассасаларнинг қон ва унинг таркибий қисмига бўлган эҳтиёжи дунё бўйича узлуксиз ўсиб бормоқда. Бу қон тизимининг хавфли ўсма касалликлари, қон ивишининг наслий бузилишлари ва турли хил анемия касалликларига чалинган беморлар сонининг ортиб бориши билан боғликдир. Республикамизда қонга бўлган минимал эҳтиёж бир йилга 230 тоннани ташкил этади.

Ҳозирги вақтда фойдаланиладиган қоннинг асосий миқдори пуллик донорлар ва беморнинг қариндошлари қонидан тайёрланади. Бу икки ҳолатда ҳам қон орқали юқадиган касалликлар, жумладан ОИВ, вирусли гепатит ва бошқа касалликларни юқтириш хавфи бўлиши мумкин.

Қон ва унинг таркибий қисмлари аёлларга туғиш жараёнида, асоратлар юзага келганда, турли хил бахтсиз ҳодисалар туфайли жароҳатлар олганда, жарроҳлик операцияларида, қон тизимининг турли касалликлари — оғир даражадаги камқонлик, оққон, қон ивиши тизими бузилишларида, саратон касалликларида ўта муҳим аҳамиятга эга.

Қон топширилиши ва бу қоннинг бирор-бир киши ҳаётини сақлаб қолиши, инсоннинг инсонга ҳадя этган энг олий даражадаги совғасидир. Беморга ҳаёт бахш этиш эса савоб ишнинг энг олий ифодасидир.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

— ТОМСК ВИЛОЯТИ ВАКОЛАТХОНАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ОЧИЛИШИ ИККИ ТОМОНЛАМА МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ЗАМИН ЯРАТАДИ, — ДЕБ ТАЪКИДЛАДИ ТОМСК ВИЛОЯТИ ГУБЕРНАТОРИ ЎРИНБОСАРИ АЛЕКСАНДР ЧЕРЕВКО ТОШКЕНТДА ЎТКАЗИЛГАН БИЗНЕС АНЖУМАНДА. МАЗКУР ТАДБИР ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ҲАМДА ТОМСК ВИЛОЯТИ МАЪМУРИЯТИ ТАШАББУСИ БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

А.Черевконинг таъкидлашича, Томск вилояти савдо-иқтисодий соҳа вакилларидан иборат делегацияси ташрифидан кўзланган асосий мақсад, турли жабҳаларда икки томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштиришдан иборат. Делегация ўрмончилик, машинасозлик, нефть ва газ, таълим соҳасидаги 35 корхона раҳбарларидан таркиб топган, — деди у. Кооперацион ким ошди савдоси доирасида олиб борилган музокараларда ҳамкорлик истиқболлари ҳамда қўшма корхоналар тузиш учун инвестицияларни жалб этиш имкониятлари муҳокама қилинди.

— Ўзбекистоннинг ширидан-шакар меваю сабзавотларини томскликлар жуда севишади, — деди делегация раҳбари. Ўз навбатида томскликлар ҳам ўзбекистонликларнинг ўрмончилик маҳсулотларига бўлган талабини қондиришга шай.

А.Черевко, мамлакатларимиз ўртасида узоқ йиллардан бери таълим соҳасида ижобий анъаналар шаклланганини қайд этди. Чунончи, кўпгина ўзбекистонликлар Томск вилоятининг йирик иқтисодий олийгоҳларида таълим олишди.

Делегация ташрифи доирасида Томск вилоятидаги иқтисодий устивор йўналишлар, корхона, ташкилот, ўқув ва илмий марказларнинг имкониятлари акс эттирилган кўргазма ташкил этилди.

Россиялик меҳмонлар мебель жиҳозларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Файз» холдинг компанияси, «Тошэлектраппарат», «Тошкентвино» ва бошқа корхоналар фаолияти билан танишишди.

Бизнес-анжуман якунида Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ҳамда Томск вилояти савдо-саноат палатаси ўртасида ҳамкорлик битими имзоланди.

Шуни айтиш жоизки, 2005 йилда мамлакатимиздан Россияга маҳсулот экспорт қилиш ҳажми 41,6 фоизга ортиб, 1026,5 миллион долларни ташкил этди. Россиядан импорт қилинган маҳсулот миқдори 12,7 фоизга ортди ва 1034, 0 миллион долларга етди.

«Туркистон-пресс»

Қўшма корхоналарда

«ИНТЕР-СОК» ШАРБАТЛАРИ

СИФАТЛИ, БОЗОР ТАЛАБЛАРИГА ТЎЛА ЖАВОБ БЕРУВЧИ МАҲСУЛОТНИ АЛБАТТА, ХАРИДОР ТАН ОЛАДИ. ШУ БОИС ҲАМ СИФАТГА ЭЪТИБОР ҚАТЪИЙ НАЗОРАТ ҚИЛИНГАН КОРХОНАНИНГ БУЮРТМАЛАРИ ОРТИБ, НУФУЗИ ҲАМ ЮКСАЛИБ БОРАВЕРАДИ.

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Интер-Сок» қўшма корхонаси ҳам ана шундай сифатли маҳсулот тайёрлашдаги изланишлари боис харидорлар эътиборини қозонди. Замонавий хорижий линиялар билан жиҳозланган корхона цехларида 115 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилиб, айни пайтда «Фруктовий сад» савдо белгиси билан 9 турдаги табиий шарбатлар ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, тайёрланаётган нектар ва табиий шарбатлар қадоқланишига ҳам бозор талаблари асосида эътибор қаратилади. Маҳсулотлар Россия технологияси ҳамда Швецариянинг «Тетра-Пак» линияси ёрдамида бир литрлик ҳамда 0,2 миллилитрлик пакетларда қадоқланмоқда. Айниқса, юртимизда етиштириладиган олма, шафтоли, ўрик, олча ва помидордан тайёрланаётган шарбатлар нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидоргир бўлиб бормоқда.

Албатта, меҳнатларининг самараси шунда намоён бўлмоқдаки, бу ерда ишлаб чиқарилаётган шарбатлар «2005 йилнинг энг яхши маҳсулоти» номига сазовор бўлди. Бунинг асосий боиси юртимизда тадбиркорлар, шунингдек чет эллик сармоядорларга яратилган қулай шарт-шароитлар бўлса, шунинг баробарида сифатли, ширин-шакар, дармондориларга бой сара мева-сабзавотлар етиштираётган деҳқон ва фермер хўжаликлари билан яхши ҳамкорлик самараси ҳамдир.

— Асосан Самарқанд вилояти ҳамда Фарғона водийсида етиштирилаётган мева-сабзавотлардан унумли фойдаланган ҳолда маҳсулот тайёрлаймиз, — дейди корхона раҳбари Юрий Нуритдинов. — Маҳсулотларимизнинг сақланиш муддати бир йилни ташкил этиб, энг муҳими сифатига, рақобатбардошлигига ва нархига эътибор қаратамиз. Харидор талаб ва эҳтиёжидан келиб чиқиб фаолият кўрсатамиз. Албатта, шуни алоҳида эътироф этишим лозимки, Ўзбекистон қуёшидан баҳра олиб ғарқ пишган тотли мева ва сабзавотлар мазаси ва шифобахшлиги билан ажралиб туради. Шу боис ҳам табиий шарбатларимиз харидорлари сафи кенгайиб, ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бормоқда. Янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш, уларни бозорбоп қадоқлаш устида ҳам иш олиб бораяпмиз. Маҳсулотларимизни фақатгина ички бозорда эмас, балки чет эл бозорида ҳам ўз ўрнини топишига ҳаракат қилаяпмиз. Келгусида ўзбек маркаси остида турли хил шарбатлар тайёрлаш ниятимиз бор. Улар маҳаллий хом ашёдан тайёрланади.



Ўтган йилда тадбиркорлар томонидан 4 миллион литр маҳсулот чиқарилган бўлса, жорий йил биринчи чорагида 1,5 миллион литрлик шарбат ва нектар тайёрлашга муваффақ бўлинди.

Улар хом ашё етказиб берувчилар билан ҳамкорликни ҳар томонлама мустаҳкамлашга ҳаракат қилишмоқда. Бу борада айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 9 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосида ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ишлаб чиқариш ҳажмини, маҳсулот турларини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТДА: корхона фаолиятидан лавҳа.

Ўз-ўзи ўргатиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН— ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲАЁ—ГЎЗАЛЛИК РАМЗИ

Ҳаё барча гўзалликларни ўзида жамловчи ва барча кўркамликларни юзага чиқарувчи сабабчисидир. Шунинг учун ҳам айтадилар: «Кимки ҳаё либосини кийган бўлса, одамлар унинг айбини кўришдан ожиз бўладилар».

Айтадилар: ор ва ҳаё—ўзаро бир-бировига яқин бўлган икки нарса. Улардан бировини кўтарилса, сўнггиси ҳам юксаклашади. Арастунинг қизидан: «Аёлдаги энг чиройли нарса нима?» деб сўрадилар. «Ҳаё туфайли юзда намоён бўлган қизиллик» деб жавоб берди у. Баъзи сўз усталари шундай баён қилишади: «Дарахтнинг ҳаёти ва боқийлиги сув билан бўлгани каби, юзнинг ҳаёси ва боқийлиги ҳам ҳаё биландир».

ҲИКМАТЛАР

●Таъма ўлаксадир, унга фақат ўлакса табиатли кишиларгина яқинлашади.

●Сўз қуролдир, кимки шу қурол билан жароҳатланган бўлса, уни даволаш қийин.

●Кишининг сўзи қалбидан хабар беради.

●Кишининг қадру қиммати одамларга қилган яхшилиги билан ўлчанади.

ЭЛДАН ҲАЁ ҚИЛИШ

Элдан ҳаё қилиш, уялиш қандай бўлади? Элдан ҳаё қилиш дейилганда, аввало уларга озор етказмаслик, ёмон сўзлар билан ҳақорат қилиб, улардан юз ўгирмаслик, сўз билан мурожаат қилганда тескари қараб, хижолат қилмаслик, уларнинг табиатини кир қиладиган ва нафратини келтирадиган ҳар қандай сўздан воз кечиш каби сифатлар тушунилади. Агар сен бу ярамас сифатларни ишга солсанг, ундан сен учун ҳеч қандай фойда йўқ. Аксинча, унинг ёмон оқибатлари ўзингга қайтади.

Шу нарсалардан кўриниб турибдики, демак, ҳар бир инсон хоҳ жамоат ичида, хоҳ уйда бўлсин, ўзини сипо тутиши, одамларнинг дилини шод қилувчи сўзларни ишлатиши, ўз фойдаси деб, бошқаларга зарар етказишдан тийилиши, кулиб туриши зарур.

Дунёнинг барча яхшилиги ва шодлиги ҳаётимизда барқарор турсин деган одам ва оламнинг ҳамма ёмонлиги, кулфат ва ғами мендан қувилсин деган одам элдан ҳаё қилиш лозимлигини унутмаслиги, ҳар қандай ишга қўл урганда халқ қаршисида уялиб қолмаслик тадбирини кўриши лозим.

ҲИКМАТЛАР

●Беҳуда ҳадеб кулавериш кишидаги иззат ва виқорни кетказади.

●Ортиқча таъна ва танбеҳ душманлик туғдиради.

●Олдинда ўлим турганини сезишинг ғам ейишинг учун кифоядир. Демак,ҳали ўлим келмаган экан, ўз ғамингни еб қол, одамларга яхшилик қилиш билан номингни яхшилар қаторига қўшиб кет.

КИШИНИНГ ЎЗИДАН ҲАЁ ҚИЛИШИ

Киши ўзидан ҳаё қиладими? Ҳа, кишининг ўзидан ҳаё қилиши—виждони буюрмаган ишлардан қочишидир. Кишининг ўзидан ҳаё қилиши кўпинча одамлардан узоқда, ҳеч ким йўқ жойда ёки одамлар билмайдиган ва сезмайдиган ишларни амалга оширишда намоён бўлади. Ҳар бир инсон одамларнинг ҳузурида бирор ишни қилса ёки бирорта хатти-ҳаракатни амалга оширса, буни кўриб турган одамлар унинг бу ишларидан нафратланса, демак, худди шу феъл ёки ҳаракатни ёлғиз турганида ҳам қилмаслиги, буни қилиш учун ўзидан ҳаё қилиши ва виждонидан уялиши зарур. Яширин қилаётган бу иши эртага одамларга ошкор бўлиб қолса, қандай ҳолатга тушиб қолишини аввалдан ўйлаб, сўнг ишга қўл урмоқ керак.

Адиблардан бири айтади: «Кимки одамлар ичида амалга оширишдан уяладиган ишни ёлғизлик пайтида қилса, демак, у одамнинг ўзи учун қадри йўқ!»

Билиб қўйки, ёлғизлик вақтларингда қайси феълга ўргансанг ва бу феъл сенга ҳоким бўлиб олса, энди у аста-секин кўпчилик ичида ҳам зоҳир бўлаверади. Ўзинг билмаган ҳолда уни амалга ошираверасан. Бу эса сендан одамларнинг меҳру муҳаббатини қолдиради, ихлосини сўндиради, бора-бора сени ёмон кўрадиган бўлиб қолишади. Сенга беҳурматлик ва ҳақорат кўзи билан қарайдиган бўлишади.

Ҳар бир инсон элдан ва ўзидан ҳаё қилишнинг уддасидан чиқиб, уни мукаммал амалга ошира олса, демак, бундай одам учун бахт эшиги очилади, ёмонликлар эшиги эса бутунлай бекилади. Гўзал инсоний фазилатлар билан эл ичида ном қозонади, чиройли хислатларга эгалиги билан одамлар оғзида зикр этилади.

ҲИКМАТЛАР

●Яхши хотин уйга барака киргазади.

●Ақлли одамнинг тили донолик калити, нодон кишининг тили ҳалокат калити.

●Тил кичик жуссали йиртқич ҳайвонга ўхшайди, демак, уни пўлат арқон билан боғла.

ЁЛҒОНЧИЛИК ОҚИБАТИ

Ёлғончилик инсонни пасткашликка ундайди, пасткашлик эса жиноят сари етаклайди.

Ёлғончилик энг разил хислатларнинг ҳам қабиҳроғи бўлиб, ундан қутулиб қолмасанг, маломати хор қилади, орияти завол қилади, заҳари ўлдиради, ёмонлиги бўйнингни эгади. Ростгўйлик отига минмагунингча унинг касофатидан қутулолмайсан!

Ёлғончи ўзининг манфаати учун кўрмаган нарсасини «кўрдим» дейди, ишининг оқибати ҳақида ўйламайди. Эй инсон! Сен бирор нарса ҳақида хабар бермоқчи бўлсанг аввало ўйла, шошилма, кўрган воқеанинг айнан ўзини баён қил, ўз мақсадингни назарга олган ҳолда ортиқча сўзларни қўшма, шубҳали нарсаларни ростдек қилиб сўзлама: оқибат натижада ҳеч кимга зарар тушмаса ҳам сен зарарга тушасан, одамлар ичида бурдинг кетади, ҳеч ким сенга ишонмай қўяди, хорзабун бўласан!

Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси

Республика илмий ихтисослашган аллергология маркази жамоаси мазкур марказ шифокор-аллергологи Қутбиддин Низомовга акаси

Хайриддин ФАТХУЛЛАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

Гиёвандлик — аср балоси

БОЙЛИККА ИН ҚУРГАН ОФАТ

БУГУНГИ КУНДА ЖАҲОН АҲЛИНИ ҚАТТИҚ ТАШВИШГА СОЛАЁТГАН МУАММОЛАРДАН БИРИ БУ ГИЁВАНДЛИКДИР. У ИНСОН ОНГИНИ ЗАҲАРЛАБ, ТАНАНИ ХАРОБ ҚИЛИШИ БАРОБАРИДА АТРОФДАГИЛАРГА ҲАМ САЛБИЙ ТАЪСИР КЎРСАТАДИ.

— Мамлакатимизда гиёвандликка ружу қўйган беморлар 2001 йилдан буён ўз хоҳишига кўра аноним тарзда даволаб келинмоқда, — дейди биз билан суҳбатда Республика наркология маркази бош шифокори Ғулом Бўрихўжаев. — Жаҳон аҳлини қаттиқ ташвишга солаётган муаммолардан бири бўлган гиёвандликнинг юзага келишида Афғонистон давлатининг ҳиссаси катта эканлигини тан олиш керак. У ерда етиштирилиб, ишлаб чиқарилган наркотик моддалар Марказий Осиё республикалари орқали Россия ва бошқа Европа давлатларига ғайриқонуний йўллар билан етказиб берилмоқда. Айниқса, бу борада Тожикистон Республикаси орқали амалга оширилаётган ишлар кўлами ортиб бормоқда.

Бугунги кунда дунё бўйлаб кезиб юрган бу офат, афсуски, астасекин юртимизга ҳам ўзининг қора соясини солмоқда. Шу боис кейинги йилларда мамлакатимизда унинг олдини олиш чоралари кескин кучайтирилди. Юртимизда шу оғу домига тортилганлар асосан 18 дан 40 ёшгача кишилардан иборат бўлиб, 85 фоизини эркаклар ташкил этади. Ҳозирда 150 нафар беморга мўлжалланган марказимизда 110 киши даволанмоқда. Аянчли томони шундаки, бу офат аёлларимизни ҳам ўз домига тортмоқда. Масалан, марказимизга яқиндагина тўйи ўтган 20 ёшли келинчакни олиб келишди. Гиёванд моддани томирига жўнатаётган вақтида турмуш ўртоғи уни кўриб қолган.

Гиёвандликдан заҳарланган беморларда кўл, оёқ, бел оғриғи, кўздан, бурундан сув оқиши, бир жойда ўтиролмаслик ҳолатлари кузатилиб, улар бетартиб кийинишади. Кўзлари бефарқ ва маъносиз бўлиб, қорачиқлари тораяди, юрган йўлида ҳам мудраб юради. Агар улар вақтида даволанмаса 5 йилдан ортиқ яшай олмайди. Аммо бирйўла жуда юқори дозада гиёванд моддани истеъмол қилиш ҳам фожеали тугаши мумкин. Шундай гиёванд беморлар кўп ҳолатларда марказимизга беҳуш ҳолатда олиб келинади. Улар олдинига уч кун оғир касаллар даволанадиган палатада жадал даволаш курсини ўтайди. Ўзига келганидан сўнг агарда бемор ўзи чин дилдан хоҳиш билдирсагина, уни бўлимларга ўтказамиз.

— Айтингчи, бу йўлга одамлар қандай кириб қолишади?

— Тажрибамдан келиб чиқиб шуни айта оламанки, гиёвандлик кўчасига ҳеч қачон пулсиз одам кирмайди, —дея жавоб қилади Ғулом ака. — Моддий жиҳатдан ўзига тўқ, бироқ айни пайтда ишсиз, эътибордан четда қолган одамлар бу тузоққа жуда тез илиниб қолади.

— Фарғона водийсидан келиб даволанмоқдаман, — дейди марказда даволанувчилардан бири, 23 ёшли йигит. — Бир йилча муқаддам яхши кўрган қизимга уйланишимга ота-онам розилик беришмади. Сиқилиб юрганимда, ўртоқларимдан бири мана бундан озроқ тортиб кўр, дея героиндан берди. Истеъмол қилганимдан сўнг енгил тортиб, барча ташвишларимни унутиб осмонга парвоз қилгандек танам яйраб кетди.

Ўзимнинг компьютер ўйинхонам бўлиб, моддий жиҳатдан отаонамга муҳтож эмасман. Шунингдек, отам бадавлат киши бўлиб, уларнинг ҳам менга муҳтож жойлари йўқ. Олдинига бу одатимни онам сезиб қолдилар. Уларга ташладим, деб алдаб юрдим. Аммо бора-бора отамга айтишга мажбур бўлдилар...

Мен ёшлик қилдим. Қийинчиликдан осон қутулмоқчи бўлиб, ўзимга енгил йўлни танлагандай эдим, лекин қаттиқ адашган эканман.

— Хўш энди нима қилмоқчисиз? — сўраймиз ундан. У қаттиқ «уф» тортади, чуқур ўйга ботган ҳолда лаблари пичирлайди:

— Нима қилардим,— биринчи навбатда яхшилаб даволаниб, ғамдан адо бўлаёзган ота-онамни рози қилиш, тўғри йўлга киришга ҳаракат қиламан.

Унинг ҳолига ачиниб, яна сўраймиз:

— Энди шу йўлни ихтиёр қилувчилар учраса, нима деган бўлардингиз?

— Бу йўл эмас. Жарлик. Жарликка ўзини отиш эса ақлли кишининг иши эмас. Шунинг учун бу офат азобларини бошидан ўтказганлардан бири сифатида: «Ўзингизни оғу таъсиридан асранг, ҳаётнинг сўқир сўқмоқларини деб, бахтингизни барбод қилманг», дейман.

— Ҳар бир оилада ота-она фарзандини эътиборидан қочирмаса, унинг юрагидаги дардини тинглаб, муаммоларини ҳал қилишга яқиндан ёрдам берса, энг муҳими уларни фойдали иш ёки машғулот билан банд қилса, ёшларимизни бу офат чангалидан асраб қолардик, — дейди марказнинг даволаш ишлари бўйича бош шифокори ўринбосари Равшан Алихўжаев. — Бу йўлга кирган одамнинг ҳаётда мақсади битта бўлади — қаердан бўлсада пул топиб, ўша заҳарни сотиб олса.

Унинг бу дунёда энди ҳеч кими йўқ: фарзанд, ота-она, севимли ёр — ҳамма-ҳаммаси унинг учун етти ёт бегона. Унинг учун муҳими — фақат пул топиш гиёванд моддани сотиб олиш. Шу боис у ўғирлик қилади, кимнингдир номини сотиб алдайди, товламачилик қилади. Ҳаттоки одам ўлдиришдан ҳам тоймайди. Бу заҳар-заққум инсонлар бошига соладиган кулфатларнинг охирига етиш қийин.

Шунинг учун ҳам барча қитъаю мамлакатларда гиёвандликка қарши кураш йил сайин кучаймоқда. Инсониятни бу балодан қутқариш йўлида турли маслак ва мақсаддаги кишилар, бутун-бутун мамлакатлар биргалашиб курашишга интилмоқдалар. Улар сафида бизнинг мамлакатимиз ҳам фаол кураш олиб боришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Айнан шундан келиб чиққан ҳолда ҳар бир киши келажак авлодлар баркамоллиги, эртанги кунимиз фаровонлиги учун хавф-хатарни, масъулиятни ҳис этган ҳолда гиёвандликка қарши ягона мақсад сари биргаликда қадам ташламоғи даркор. Шундагина биз оғусиз дунё барпо этишга муносиб ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Шаҳло ҲОШИМОВА

Футбол



МУХЛИСЛАР КУТГАН ҒАЛАБА

КЕЧА ГЕРМАНИЯДА ЎТАЁТГАН ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ГУРУҲ БЕЛЛАШУВЛАРИНИНГ ИККИНЧИ ТУР БАҲСЛАРИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ.

Шуни таъкидлаш керакки, гуруҳ баҳсларининг иккинчи турида ҳам шовшувли натижалар қайд этилди. Аввало, С гуруҳида уюштирилган Франция—Жанубий Корея учрашувидаги 1:1 ҳисобидаги дуранг Осиё қитъаси вакилларининг жаҳон чемпионатига муносиб тайёргарлик кўрганликларини яна бир карра исботлади. **КЕЧА** эса айнан шу гуруҳда Того — Швейцария терма жамоалари баҳси ўтказилиб, унда европаликлар 2:0 ҳисобидаги муҳим ғалабани қўлга киритишди. Швейцариялик мухлисларга қувонч келтирган голларни Фрай ҳамда Барнеттолар дарвозага киритишди.

Шунингдек, кўпчилик мутахассислару мухлислар кутган Н гуруҳидаги Саудия Арабистони— Украина терма жамоалари беллашуви Блохин шогирдларининг ҳам нималарга қодир эканлигини исботлагандек бўлди. Чунки дастлабки учрашувда испанлардан 0:4 ҳисобида мағлуб бўлиб барчани ҳайратга солган, миллионлаб украиналикларни карахт аҳволга қўйган Украина терма жамоасининг кейинги тақдири кўпчиликни қизиқтираётганди. Дарвоқе, жаҳон чемпионатига саралаш баҳсларида ўз гуруҳида ишончли тарзда биринчи ўринни қўлга киритган Украина терма жамоаси бош мураббийси Олег Блохин журналистларга берган интервьюларидан бирида, ўз командасининг жаҳон чемпиони бўлиши мумкинлигини таъкидлаб ўтганди. Шу боисми, испанлардан йирик ҳисобда енгилган Блохин шогирдлари буёғига қандай ўйин намойиш этади, араблар ва тунисликлар тўсиғидан ўта оладими, Шевченконинг жаҳон чемпионатидаги қатнашуви шу тариқа омадсиз якунланадими, каби саволларга жавоб бериши лозим эди.

Эътиборли жиҳати шундаки, Гамбург шаҳридаги стадионга йиғилган минглаб мухлислар ажойиб учрашувнинг гувоҳига айланишди. Майдонда тўп билан муомала қилиш, тўпни бирбирига аниқ узатиш, майдон марказини эгаллаш, чиройли комбинациялар уюштириб, рақиб дарвозасига ҳужум қилишда араблардан анча устунлик қилган украиналик футболчиларнинг маҳоратига шу куни ҳамма тан берди. Дастлабки гол араблар дарвозасига тўртинчи дақиқадаёқ киритилди. Жамоадоши бурчакдан оширган тўпни Андрей Руссол рақиб дарвозасига қойилмақом тарзда киритиб қўйди. Очиғини айтганда қитъамиз вакиллари украиналик чарм тўп усталарига муносиб қаршилик кўрсата олишмади. Арабларнинг ҳимоя чизиғида жиддий муаммолар борлиги кўзга ташланиб қолди. 36-дақиқада стадион яна мухлислар ҳайқириғидан ларзага келди. Узоқдан моҳир футболчи Сергей Ребров дарвозани кучли ва аниқ зарба билан нишонга ола билди. Иккинчи бўлимнинг бошида футбол юлдузи Андрей Шевченко ҳам мухлислари қувончига қувонч улашиб ўзининг XVIII жаҳон чемпионатидаги биринчи голини киритишга муваффақ бўлди. Учрашув тугашига олти дақиқа қолганида эса Шевченко томонидан узатилган тўпни тиниб-тинчимас Клиниченко рақиб дарвозасига йўллаб баҳснинг 4:0 ҳисобидаги ажойиб ғалаба билан якунланишини таъминлади.

Ушбу ғалабадан сўнг Блохин шогирдларида нимчорак финалга йўлланма олиш учун яхшигина имконият пайдо бўлди. Нега деганда ушбу гуруҳдаги Испания—Тунис терма жамоалари баҳсида ҳам мухлислар кутган шов-шувли натижа юз бермади. Муросасиз кечган беллашувнинг 7-дақиқасида тунислик футболчи Нари томонидан ҳисоб очилган бўлсада, Африка қитъаси вакиллари иккинчи бўлимда ўз дарвозаларидан учта тўп ўтказиб юборишди. Гол муаллифлари Раул Гонсалес, Фернандо Торес (2 та). 3:1 ҳисобидаги ушбу ғалабадан сўнг испанияликлар 6 очко жамғариб нимчорак финалга йўлланма олишган бўлса, украиналиклар уч очко билан иккинчи ўринга кўтарилиб олишди. Биттадан очкога эга бўлган Саудия Арабистони ва Тунис терма жамоаларида ҳам нимчорак финалга чиқиш имконияти сақланиб қолди.

(Ўз мухбиримиз)

БОСМА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ УЧУН РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛ БОСМА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИКЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМОАТ ФОНДИ ҲУДУДИЙ БОСМА НАШРЛАР УЧУН 10 000 000 СЎМ МИҚДОРИГАЧА ФОИЗСИЗ ЗАЁМ БЕРИШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танловда таҳририят ёки ноширлари мулкчилик ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, Ўзбекистоннинг юридик мақомга эга бўлган, барча вилоят ва туманлар ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида фаолият юритаётган босма оммавий ахборот воситалари иштирок этишлари мумкин.

Танлов мавзуси: Танловга босма оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий барқарорлигини ошириш ва ўз-ўзини таъминлашга йўналтирилган тадбирларни татбиқ этиш кўзда тутилган бизнес-режалар қабул қилинади.

Танлов якуни бўйича жамоат фонди билан ғолиблар ўртасида шартнома тузилади.

Танловни ўтказиш тартиби ва муддати:

1. Танлов ҳақида республика оммавий ахборот воситаларида эълон бериш - 2006 йил 14 июнгача;

2. Буюртмаларни қабул қилишнинг охирги муддати - 2006 йил 7 август, соат 17.00 гача;

3. Эксперт кенгаши йиғилишида буюртмалар берилган конвертларнинг очилиши - 2006 йил 10 августда, Тошкент шаҳрида;

4. Эксперт кенгаши томонидан лойиҳаларни кўриб чиқиш ва баҳолаш - 2006 йил 11-23 августда;

5. Эксперт кенгаши йиғилишида ғолибларни аниқлаш бўйича овоз бериш - 2006 йил 24 августда.

Буюртмаларни танлаб олишнинг асосий мезонлари:

1. Тақдим этилган бизнес-режанинг босма оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий аҳволини яхшилашга қаратилган мақсадларга мувофиқлик даражаси;

2. Бизнес-режанинг тегишли стандарт, тузилма ва талабларга мувофиқлиги, амалий молиявий-иқтисодий асосланганлиги;

3. Лойиҳанинг самарадорлиги ва истиқболи, оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши учун барқарор иқтисодий негиз яратилганлиги;

4. Заёмни қайтариш шартлари.

Буюртмаларни тақдим этиш:

Танловда қатнашиш учун ариза берувчилар фонд директори номига мурожаат хати тақдим этишлари лозим. Буюртмалар ва унга илова қилинаётган ҳужжатлар давлат ёки рус тилларида босма ҳолда, муҳрланган бўлиб «Ҳудудий босма оммавий ахборот воситалари бизнес-режалари танловига» қайд қилган ҳолда қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент ш., Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 5-хона.

Фоизсиз заёмлар олиш учун тўлиқ ёки ноаниқ маълумотлар берилган ва Эксперт кенгаши томонидан белгиланган муддатдан кейин тақдим этилган лойиҳалар танловда иштирок этмайди.

Иштирокчилар юборган буюртмалари ва иловалари билан бирга ўз муддатида қабул қилинганига ишонч ҳосил қилишлари лозим.

Танлов ташкилотчиси почта хизмати ва алоқа воситасидаги узилишларга жавоб бермайди.

Буюртмаларнинг қайтариб берилиши сабаблари хабар қилинмайди, лойиҳалар тақриз этилмайди, тадқиқотчилар томонидан танловга тақдим этилган ҳужжатлар ва материаллар қайтарилмайди.

Танловда қатнашиш учун зарур бўлган буюртманинг шакли ва бошқа ҳужжатларни Фонддан ёки www.mmf.uz. сайтидан олиш мумкин.

Танлов мақсади ва шартлари ҳақида иштирокчилар учун ташкилотчи томонидан консультация йиғилиши ўтказилади. Йиғилиш 2006 йил 27 июнь, соат 15.00 да Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтади.

Танловни мувофиқлаштирувчи ташкилот тел/факс: 144-12-51.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ-ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ
ҚУЙИДАГИ КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА 2006/07 ЎҚУВ ЙИЛИГА БЎШ ЎРИН ЛАВОЗИМЛАРИГА
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Кафедралар	Кафедра мудири	Проф.	Доц.	Катта ўқ-чи	Асс.
1	2	3	4	5	6	7
1	Автотрактор двигателлар	1	1	2	1	
2	Автомобилларда ташишни ташкил этиш				1	
3	Ҳаракат хавфсизлиги			1	1	
4	Информатика ва инф.технологиялар			0,5	3	1
5	Чет тиллар	1			3	3
6	Химмотология			1	1	1
7	Автомобилларнинг техник эксплуатацияси		1	6		2
8	Электромеханика ва автоматика			3	4	
9	Олий математика			3	3	2
10	Физика	1		1	1,5	1
11	Автомобиллар			3		
12	Чизма геометрия ва графика	1		2	1,5	
13	Йўл қурилиш машиналари		1	2		1
14	Фалсафа			2	1	1
15	Машиналарни лойиҳалаш асослари			4,5	3	
16	Автомобилсозлик технологияси			3		1
17	Кўприклар ва транспорт тоннеллари			2	1	1
18	Амалий механика			2	2	1
19	Ўзбек (рус) тили	1			2	1
20	Автотранспорт иқтисоди ва менежмент		2	3	2	0,5
21	Инглиз тили				4	1
22	Маркетинг			1		
23	Йўл қурилиш иқтисодиёти ва менежмент				1	1
24	Педагогика ва психология			1		
25	Жисмоний тарбия				6	2
26	Ўзбекистонда янги демократик жамият қурилиш ва назарияси			1	4	
27	Иқтисодий назария			1	1	2
28	Автомобиль йўллари ва аэродромлар			2		
	Жами:	5	5	47	47	22,5

Эълон қилингандан сўнг бир ой муддат
Т: 133-08-27; 133-19-25.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 806

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3162 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 · 6